



halol.uz

Мусулмонлар учун биз билмаган 7 та косметика бренди

Хозирги кунда борган сари кўпроқ озик-овкат махсулотлари ёки ресторан баннерларида "халол" ёрлигини кўришингиз мумкин, бу ажабланарли эмас - Ислом дунёдаги иккинчи йирик диндир. Халол дегани бу – рухсат этилган нарса маъносини англатади, харом эса - тақиқланган нарсалар. Мусулмонлар улар таркибида чўчка гўшти ва спирт бўлган махсулотларни истеъмол қилишлари тақиқланади.

Ёғ кислоталари, желатин, ланолин, кератин, аллантоин ва коллаген чўчка ёғидан олинади, улар шампун, крем ва кондиционерларда учрайди. Тери косметик воситаларни сингдириши, аёллар лаб бўёгини ва лабга суриладиган ялтирокларни еб қўйиши сабабли мусулмон косметика саноати ривожланди.

Shiseido каби кўплаб йирик косметика брендлари алоҳида халол косметика

Йўналишларини такдим килмоқда. Inglot, мисол учун, намоз олдидан тахорат пайтида ювиб ташлаш мумкин бўлган лак такдим килинди. Maybelline, Estee Lauder, The Body Shop, Garnier, Nivea, Biotherm, L'oreal, MAC ва бошқа кўплаб маркалар ҳам ишлаб чиқаришда чўчка ёгини ишлатмайди, лекин кармин каби харом саналган элементлар бор-йўқлигини билиш учун махсулот таркибини ўқиш зарур.

Биз мусулмон косметикасини ишлаб чиқишга тўлиқ ихтисослашган ва «Халол» сертификатига эга бўлган энг йирик косметика брендларни тўпладик. Уларнинг махсулотлари таркибида спирт, хайвонот махсулотлари ёки кучли таъсир этувчи кимёвий моддалар йўқ, шунинг учун уларни вегетарианлар ҳам ишлатиши мумкин. Аммо шуни ёдда тутиш керакки, барча табиий косметика турлари ҳам халол эмас ва уларнинг таркибини диққат билан ўрганиб чиқиш зарур.

Amara Cosmetics

Шимолий Америкада пайдо бўлган илк мусулмон косметика бренди. Косметика махсулотлари Калифорнияда ишлаб чиқарилади. Тўлиқ декоратив саф билан ифодаланган - упа, пушти-кизил ёгуна, макияж учун чўтка, туш, помада ва лаб учун ялтироклар ишлаб чиқаради. Таркибида хайвонлардан олинадиган моддалар, спирт ва парабенлар йўқ. <http://amaracosmetics.com>

Massarat Misbah Makeup

Ушбу косметика маркасининг келиб чиқиши покистонлик бўлган, гўзаллик саноатида 35 йил меҳнат килган ҳамда унинг ахлокий тамойиллари ва дин талабларига тўғри келадиган косметика махсулотлари яратишни ният килган Массарат Мизбах томонидан асос солинган. Массаратнинг хисоблашича, диний масаладан ташқари, одамлар кимёвий моддаларнинг терига таъсири хақида ўйлаб кўриши ва хайвонларда синаб кўриладиган косметикадан фойдаланишни тўхтатиши зарур. Махсулот нархлари анча арзон, махсулот турлари эса, хилма-хил – бу ерда жилосиз лаб бўёқлари, бронзерлар, суюқ «подводка» ва бошқа кўплаб нарсалар билан ифодаланган. <http://www.masarratmakeup.com>

Iba Cosmetics

Iba Cosmetics – биринчи хинд мусулмон косметика бренди. Унга АКШ да ишлаган, лекин ватанига қайтишга қарор килган опа-сингил Телилар асос солинган. Марка фалсафаси - ахлокий косметика ишлаб чиқиш бўлиб, у мусулмонларга ҳам, вегетарианлар ва веганларга ҳам тўғри келади. Декоратив ва парвариш косметикаларидан ташқари, эркаклар ва аёллар учун таркибида спирт бўлмаган атир ва парфюмерия мавжуд. Косметика таркибида парабенлар, хайвон махсулотлари йўқ, у табиий ашёлардан тайёрланади. Мисол учун, қайала таркибида табиий углерод, кора седана ёғи, бодом ёғи, витамин Е ва алоэ вера бор. <http://www.ibahalalcare.com>

Hussana

Hussana маркаси шампунлар, кондиционерлар, душ учун геллар - супермаркетда сотиладиган махсулотларга мукобил вариантлар ишлаб чиқаради. Ювиниш учун гел, скраб, гигиеник помада ёки болалар учун косметика ҳам топиш мумкин.

Mihri Istanbul

Турк косметика маркаси Deren Chemicals 2012 йил «премиум» сифатли юз парваришlash махсулотлари линиясини ишга туширди. Махсулотлар факат календула, кэроб, кизил сув ўтлари ва яшил кахва экстракти каби табиий ва ўсимлик ингредиентларини ўз ичига олади. Махсулот линияси целлюлитга карши крем, ажинга карши крем, соч тўкилишига карши зардобни ўз ичига олади.

FX mineral cosmetics

Ушбу марка Буюк Британиялик уч опа-сингил томонидан асос солинган бўлиб, хайвонларда синаб кўрилмайдиган минерал косметика чиқаради. Профессионал «тень» палитраси, шунингдек, сочилувчан минерал упа, юз ва тана бронзерлари, консилер ва праймер каби махсулотлар таклиф қиладиган кам сонли брендлардан бири.
<http://www.fxcosmetics.co.uk/>

The Halal Cosmetics Company

Кремлар таркибида эркин радикалларга карши курашадиган, терини озиклантирадиган ва ультрабинафша нурлар таъсиридан химоя қиладиган табиий антиоксидант, атаксантин ингредиенти бор. Маркага 2009 йил Буюк Британияда, кўкрак саратони ташхиси қўйилган Салма Чаудхри томонидан асос солинган. Ўшанда Салма у фойдаланиб келган оддий косметика таркибида кўплаб хавфли моддалар борлигини билиб қолган. 2013 йил The Halal Cosmetics бренди учун «Йил тадбиркори» номинациясида голиб чиқди.
<http://www.halalcosco.com/>

Абу Муслим таржимаси